

## **Жисмоний шахсга банк картасини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича оммавий оферта шартномаси**

Ушбу “Жисмоний шахсга банк картасини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича Оммавий оферта” (кейинги ўринларда “Оферта”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 369- моддаларига мувофиқ, жисмоний шахсларга миллий ва халқаро банк картасини очиш, ундан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш бўйича юборилган расмий оммавий таклиф бўлиб ҳисобланади. Оммавий оферта шартномаси Мижоз томонидан ушбу шартномага илова қилинган ариза, белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган вақтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади ҳамда мижоз мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини ва Банк Тарифларига асосан тўловларни тўлашни истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини аниқлатади.

### **1. УМУМИЙ ТАВСИФЛАР**

**Мижоз** – банк картасини очишни сўраб, банк филиалига ҳамда банк расмий сайти орқали онлайн буюртма билан мурожаат қилган жисмоний шахс.

**Банк картаси**- ўз эгасига банк ҳисобварағи орқали банк картасининг амал қилиш муддати доирасида, нақд пулсиз шаклда ҳисоб-китобларни амалга ошириш имкониятини берувчи тўлов картаси.

**Резидент**-Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланаётган ҳар қандай қетма-қетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс ёхуд норматив ҳужжатларга асосан резидент мақоми берилган жисмоний шахслар.

**Виртуал банк картаси** – интернет орқали ва онлайн тўловлар учун мўлжалланган махсус карта. Интернет орқали тўловлар амалга ошириш учун барча риквизитларни ўзида мужассам этган ва фақат электрон тарзда чиқариладиган карта ҳисобланади;

**Қўшимча банк картаси** – Мижознинг аризасига кўра, ўз номига ёки унинг ишончли вакили номига (оила аъзолари), операцияларни дастлабки банк карта ҳисобварағидаги пул маблағлари доирасида амалга ошириш учун чиқарилган банк картаси.

**Банк эмитент** – банк картаси эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига мулк ҳуқуқига эга бўлган ва уларнинг сақловчилари ва эквайерлари олдида улар томонидан банк карталаридан фойдаланилган ҳолда ҳисобкитобларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўйича ўз номидан мажбуриятларни зиммасига олган банк.

**Банк эквайер** – банк карталари орқали товар (иш, хизмат) сотувчилари билан операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ҳамда банк карта эгасига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул бериш ва инфокиоска орқали нақд пулсиз шаклда хизмат кўрсатишни амалга оширувчи банк.

**Миллий карта (кейинги ўринларда МК)** –банк эмитент томонидан эмиссия қилинган UzCard-EMV / HUMO банк карталари эгасига ундаги маблағлар доирасида банк ҳисобварағи орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ҳисобварағидан нақд пул олиш имкониятини берувчи миллий тўлов воситаси.

**Халқаро карта (кейинги ўринларда ХК)**–Банк эмитент томонидан эмиссия қилинган “VISA” банк картаси эгасига ундаги маблағлар доирасида банк ҳисобварағи орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ҳисобварағдан нақд пул олиш имконини берувчи халқаро тўлов воситаси.

**Пин-код** – шахсий идентификация рақами, 4 хонадан иборат рақамли махфий код, карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга банк картаси эгаси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди. Ушбу код карта эгасига қоғозда акс этган ҳолда ёки электрон кўринишда (E-pin) тақдим қилиниши мумкин.

**Контактсиз тўлов** – банк картасини тўлов терминалига ва/ёки банкоматга тегизиш йўли билан тўловни амалга ошириш усули. Тўлов тизими томонидан белгиланган миқдордаги тўловлар Пинкодни киритмасдан амалга оширилади.

**“E-POS” терминали** – банк картасининг эгасига онлайн харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни интернет орқали амалга ошириш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа амалиётларни бажариш имкониятини берувчи электрон восита.

**Банкомат** – банк картаси орқали автомат тарзда нақд пул маблағларини олиш учун мўлжалланган электрон қурилма.

**Инфокиоск**- “Online” режимига эга бўлган автоматлаштирилган техник қурилма орқали мижоз ўз-ўзига нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириши, банк картаси қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни олиш, “SMS”-хабарномани уяли алоқа телефонига улаш каби масофавий хизматларни кўрсатиш.

**Транзакция** – банк картаси эгаси томонидан харид қилинган товарлар, иш ва хизматлар учун амалга оширилган тўлов. Банк картасининг блокировкаси –халқаро ва маҳаллий тўлов тизимининг қоидаларига, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги нормативҳуқуқий ҳужжатларида ҳамда банк томонидан тасдиқланган “Банк карталаридан фойдаланиш қоидалари”га мувофиқ банк карталарини амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш бўйича банк томонидан кўрилган чора.

**Кўчирма** – мижознинг талабига кўра банкда шаклланган банк картаси ҳисобварағидан кўчирма. НУМО / UzCard-EMV, Халқаро тўлов тизимлари – товар, иш (хизмат) учун нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳамда нақд пул ечиш имконини берувчи маҳаллий ва халқаро тўловларга амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган тизим.

**Товар (иш, хизмат) сотувчиси** – эквайер банк билан тузилган шартномага асосан товар (иш ёки хизмат)лар учун банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловларни қабул қилиш мажбуриятини олувчи маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахс (ёки яқка тартибдаги тадбиркор).

**Слип** – банк картасидан фойдаланган ҳолда операция ўтказилганлигини тасдиқловчи ва ўзида операция суммаси, тури, санаси, шунингдек банк картасини ҳамда ушбу слипни шакллантирган терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотларни акс эттирувчи терминал квитанцияси.

**Банк тарифи** – “Мадад Инвест Банк” АТБ Бошқаруви томонидан тасдиқланган, банк карталари орқали банк операциялари амалга оширилганда, банк карталарни муомалага чиқаришда ва уларни янғисига алмаштириб беришда ундириладиган комиссия тўлов.

**Минимал баланс қолдиғи (Суғурта депозити)** – Банк карта ҳисобварағида сақланиши мажбурий бўлган пул маблағларининг минимал қолдиғи.

**Банқдан ташқари тўлов тизими** –Тўлов тизими белгилари ва унинг қоидаларини белгиловчи ва бундай турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар (CLICK, PAYME, PAYNET ва б.)

**Масофавий банк хизматлари (МБХ) /Фақат халқаро карталар учун/-** Мижоз томонидан масофадан туриб телекоммунақация тизимларидан фойдаланган ҳолда узатиладиган (олинган) электрон алмашинувлар асосида кўрсатиладиган банк хизматлари тўплами. Жумладан:

- SMS банкинг – пластик карточка воситасида амалга оширилган тўловларни назорат қилиш тизими. On-line тарзда амалга оширилган ҳар бир тўлов ва картанинг жорий қолдиғи бўйича карта эгасининг телефонига SMS хабар келади.
- Интернет тўлов- Банк карта эгасига Интернет тармоғи орқали электрон тўловларни амалга ошириш имконини тақдим этиш.

**Ушлаб туриш (Hold)**- Банк картаси орқали мувофақиятли амалга оширилган транзакция ва комиссия суммасини музлатиш.

**Акцептлаш**- оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби.

## **2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

2.1. Оферта шартномасини акцептлаган мижозга банк ҳисобварағини (миллий валютада ва чет эл валютасида) очиш, банк карталарини чиқариш, шунингдек ушбу шартнома ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк картаси ҳисобварағига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар шартнома предмети бўлиб ҳисобланади.

## **3. БАНК КАРТА ҲИСОБВАРАҒИНИ ОЧИШ, БАНК КАРТАСИНИ ЧИҚАРИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ**

3.1. Мижоз томонидан ариза тақдим қилинган кундан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирмай, мижоз номига банк карта ҳисобварағи ҳамда 3 (уч) кунлик муддатда банк картаси очилади.

3.2. Банк карта ҳисобрақаи очилиб, банк картаси чиқарилганидан кейин, Банк картаси мижоз банкка келган ҳолда ёки курьерлик хизмати орқали, унинг шахси идентификация қилинганидан кейин шахсан ўзига топширилади. Мижозга халқаро банк карта очилган тақдирда, карта конвертланган ҳолда тақдим этилади.

3.3. Банк картаси курьерлик хизмати орқали етказиб бериш, қўшимча ҳақ эвазига амалга оширилади. Қўшимча ҳақнинг миқдори Банк тарифларида белгиланади ёки у Банкнинг махсус сайтларида, мобил иловада жойлаштириб борилади. Шунингдек ариза берилган банк картаси

бошқа юридик шахс бўлган (аутсорсинг) курьерлик хизмати орқали етказилиши белгиланганда, етказиб бераёткан ташкилот томонидан етказиб бериш хизмат ҳақи белгиланади. 3.4. Банк картаси шартноманинг

3.1.-бандида белгиланган муддатда очилганидан кейин, қуйидаги муддатларда етказиб берилади: • НУМО, UzCard-EMV карталари – 2 (икки) банк куни ичида; • Ҳалқаро банк карталари— 3 (уч) банк кунида/.

3.5. Банк картасининг муддати, қартанинг олд томонида кўрсатилади. (Масалан: 05/25. – 31 май 2025 йил 24:00 қадар.)

3.6. Миллий карта ва Ҳалқаро карта мазкур шартномада, тўлов тизимларининг қоидаларида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда Банк томонидан ёки ваколатли орган томонидан блоккланиши мумкин.

3.7. Банк картаси мижоз томонидан унинг ёзма мурожаати банкнинг алоқа марказлари орқали ёки масофавий банк хизматларидан фойдаланган ҳолда блоккланиши мумкин.

3.8. Мижоз номига қўшимча банк картасини чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш мазкур шартнома билан тартибга солинади, агарда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса.

3.9. Банкка мурожаат қилган мижозларга хизмат кўрсатиш учун банкнинг иш вақти режими 9:00-17:00 гача.

3.10. Ҳалқаро карта Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланилганида, қабул қилувчи мамлакатнинг миллий валютасига тегишли халқаро тўлов тизими томонидан белгиланган курс бўйича автоматик равишда конвертация қилинади.

3.11. Банк карталари мижоз томонидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: • Товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўлов терминаллари/интернет тармоқлари орқали тўловларни амалга ошириш; • банкоматлар /инфокиосклар/ орқали тўловларни амалга ошириш; • банк кассалари/банкоматлари орқали нақд пул олиш; • мазкур шартномага ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

3.12. Ҳалқаро карта орқали амалга оширилган транзакциялар 40 (қирқ) календарь кун ичида мижоз томонидан ёзма равишда эътироз билдирилмаган ҳар қандай транзакциялар амалга оширилган деб ҳисобланади. Ҳалқаро карта орқали амалга оширилган транзакциялар билан боғлиқ низолар, тегишли халқаро тўлов тизими қоидалари асосида кўриб чиқилади.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:**

##### **4.1. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

4.1.1. Банк картасидаги маблағлардан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эркин фойдаланиш ва банк карта ҳисобварағи бўйича кўчирмалар олиш;

4.1.2. Банк картасидан шахсан фойдаланиш. (Учинчи шахсларга бериш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган Ишончномага асосан). Бирок, бунда банк картасини учинчи шахсларга фойдаланишга бериш билан боғлиқ бўлган барча салбий оқибатлар учун жавобгарлик мижоз зиммасида бўлади.

4.1.3. Банк эмитентдан, банк картасидан фойдаланиш қоидалари, улар орқали транзакцияларни амалга ошириш бўйича банк карта эгаси ва банк эмитентнинг жавобгарлик чегараси тўғрисида тўлиқ ахборотлар олиш;

4.1.4. Банк картаси йўқолган ёки ўғирланган тақдирда, бу ҳақида Банкни ёзма ва/ёки телефон орқали хабардор қилган ҳолда, Банк картаси орқали амалга ошириладиган тўловларни тўхтатиб қўйиш; (блокка солиш)

4.1.5. Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик туфайли ёки банк картаси ПИН коддини нотўғри териши натижасида блоккланиб қолган (блокка тушиб қолган) банк картасини қайта активлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжат билан бирга банк картасини блокдан чиқариш (разблокировка қилиш) бўйича ёзма ариза тақдим қилиш ёки масофавий каналлар орқали махсус кодни тақдим қилган ҳолда мурожаат қилиш

4.1.6. Банк томонидан ушбу шартноманинг 5- бўлимида қайд этилган мажбуриятларини бажарилишини талаб қилиш;

4.1.7. Банк тарифларида белгиланган тўловларни амалга оширган ҳолда, қўшимча банк карталарини чиқаришни Банк эмитентдан сўраш;

4.1.8. Банк тарифлари, унга киритилган ўзгартиришлар ва янги банк хизматлари ҳақида банк филиаллари ёки Банкнинг веб сайтлари ([www.madadinvestbank.uz](http://www.madadinvestbank.uz)) орқали маълумотлар олиш;

4.1.9. Шартномани бекор қилиш орқали банк хизматларини олишдан бир томонлама воз кечиш

хамда ундаги қолдиқ маблағларни аризада кўрсатилган депозит ҳисобварағига ушбу шартноманинг 5.2.5.-бандида белгиланган муддатларда ўтказилишини талаб қилиш.

4.1.10. Банк картаси йўқолган ёки шикатланган тақдирда, банк картасини қайта чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш.

## **4.2. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

4.2.1. Зарур ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, банк карта ҳисобварағи орқали амалга оширилган транзакцияларни қонунийлигини текшириш ва тегишли ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

4.2.2. Чиқарилган банк картасини мижозга тақдим этишда, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишни талаб қилиш;

4.2.3. Қуйидаги ҳолларда, мижознинг розилигисиз, унинг Банк картаси ҳисобварағидан маблағларни кўчириш:

- Банк Тарифига кўра, банк хизматлари учун тўловларни;
- Банк картаси ҳисобварағига маблағлар нотўғри ёки адашиб кирим қилинганда;
- карта ҳисобварағидаги актив қолдиқдан ортиқ миқдорда транзакциялар амалга оширилганда, ушбу маблағлар мижоз томонидан 3 (уч) кунлик муддатда ихтиёрий равишда қопланмаган тақдирда.

4.2.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк картаси бўйича транзакцияларни амалга оширишни тўхтатиш/ пул маблағларини музлатиб қўйиш;

4.2.5. Банк картасини қайта чиқариш бўйича аризани қабул қилишда мижоз банк картасини қайтариши керак (банк карта йўқотилган ҳолатлар бундан мустасно);

4.2.6. Мазкур шартномада кўрсатилган хизматларни кўрсатиш учун, Мижоздан зарур бўлган маълумот ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш.

4.2.7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида шунингдек, банкнинг ички назорат тизими ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, банк карта ҳисоб рақамига маблағлар нотўғри ёки адашиб (техник сабабларга кўра) кирим қилинганда банк картасини блоклаш.

4.2.8. Норезидент-мижозларга очилган халқаро тўлов карталарини халқаро тўлов тизимларининг эмиссия тартиби талаблари фойдаланувчи томонидан бузилган тақдирда, банк томонидан бир томонлама ушбу мижоз билан тузилган шартномани бекор қилиш ва картани блоклаши мумкин.

4.2.9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан норезидент-мижозлар томонидан республика банкларидаги ҳисобварақларни очиш ва улардан фойдаланиш тартиби ёки халқаро тўлов тизимининг эмиссия тартиби ўзгарган тақдирда банк томонидан бир томонлама ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга;

4.2.10. Банк мижоз томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжати бўйича халқаро санкцияларга тушган тушмаганлигини, тушиш хавфини текширишга ҳақли.

Банк, маблағларни олувчи (ёки унинг банкининг ёки сотиб олаётган махсулотининг ва х.к.з) ларнинг халқаро санкцияларга тушганлиги, тушиш хавфи мавжуд бўлганда, банк амалиётини ўрганиш мақсадида қўшимча маълумотларни сўраш, амалиёт миқдорини чегаралаш, амалиётни чеклаш (рад этиш), тўлов ҳужжатини ижрога қабул қилмаслик ҳуқуқига эга ёки амалга оширилаётган амалиётлар мижознинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва мижоз билан мазкур шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Мижоз томонидан ўтказилаётган банк амалиётларига доир қўшимча ҳужжатлар банк томонидан сўралган ёки талаб қилинганда ҳужжатлар мижоз томонидан тўлиқ тақдим қилинмаса, банк мижознинг топшириқларини бажармаслиги, банк амалиётини тўхтатиб қўйиши, банк ҳисобварағини бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

4.2.11. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши мумкин.

## **5. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. МИЖОЗНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.1.1. Банк картасидан фойдаланишда шартнома шартларига, банк картасидан фойдаланиш қоида-сига ва йўриқномаларга риоя қилиш;

5.1.2. Банкнинг талабига биноан мижозни тегишли равишда текширишни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим этиш;

5.1.3. Чиқарилган Банк карталарини банк ходимларидан ёки курьерлик хизмати ходимларидан қабул қилиб олишда, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш;

5.1.3. Банк Тарифига кўра барча тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўлаб бориш;

5.1.4. Банк картаси хавфсизлигини таъминлаш, банк картасини ПИН-кодини ва телефон кўнғироқлари ва/ёки тўлов тизимларига кириш учун паролларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик;

5.1.5. Банк картаси йўқотилганда, ўғирлатиб қуйилганда, мижоз томонидан ўз картасини техник ишлаш фаолиятини тўхтатиб қуйиш (стоп лист) бўйича Банк эмитентни қисқа муддатларда хабардор қилиш. Бунда, банк картасини тўхтатиб қўйиш ҳақида хабар берилгунига қадар амалга оширилган транзакциялар учун жавобгарлик Мижоз зиммасида бўлади.

5.1.6. Йўқолган/шикастланган банк картасини қайта расмийлаштиришда, банк Тарифларига мувофиқ тўловларни амалга ошириш.

5.1.7. Банк картасидан фақат банк карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағ доирасида фойдаланиш. Агарда банк карта ҳисобварағида салбий қолдиқ ҳосил бўлган тақдирда, қарз суммасини, қарз вужудга келган санадан бошлаб 1 ойдан кечиктирмасдан қоплаш.

5.1.8. Банк картасини олиш бўйича тўлдириб берилган аризада акс эттирилган маълумотлар ўзгарганда бу ҳақида, 5 банк иш кунида ёзма равишда хабардор қилиш;

5.1.9. Банк картаси ҳисобварағига нотўғри кириш қилинган маблағлар ҳақида банкни 2 (икки) банк иш куни ичида хабардор қилиш ва ушбу маблағларни 3 (уч) банк иш куни ичида қайтариш;

5.1.10. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб- китобларни мустақил тарзда бажариш;

5.1.11. Банкнинг интернет тармоғидаги [www.madadinvestbank.uz](http://www.madadinvestbank.uz) саҳифалари/ахборот стендлари орқали банкнинг бошқа тўлов тизими хизматлари билан доимий равишда танишиб бориш.

5.1.12. Ўтказилаётган банк амалиётларига доир ҳужжатларни банкнинг биринчи талаби билан тўлиқ ҳамда сифатли ҳолатда банкка тақдим қилиниши учун мажбур.

## **5.2. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

5.2.1. Шартнома шартларига кўра, мижозга банк картасини муомалага чиқариш, унга хизмат кўрсатиш ҳамда банк картаси ҳисобварағи бўйича ҳисобкитобларни амалга ошириш ва унинг тўғрилигини таъминлаш;

5.2.2. Мазкур шартнома шартлари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва тўлов тизими Қоидалари доирасида банк картасига хизмат кўрсатиш;

5.2.3. Банк карта ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини 1 (бир) банк иш куни давомида кириш қилиш;

5.2.4. Мижознинг ёзма аризасига кўра 1 (бир) банк иш кунида банк картаси ҳисобварағи бўйича қўшимча кўчирмаларни тақдим этиш;

5.2.5. Шартнома бекор қилиниб, банк карта ҳисобварағи ёпилганидан кейин банк картаси ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларини 1 (бир), халқаро банк картаси ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларини 15 (ўн беш) календарь кундан кечиктирмаган ҳолда, минимал баланс қолдиғи (суғурта депозит) билан мижоз томонидан кўрсатилган тегишли ҳисобварағига ўтказиб бериш;

5.2.6. Банк карта ҳисобварағи бўйича амалга оширилган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сир сақлаш ва бундай маълумотларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиш.

5.2.7. Банк картаси шикастлаган/йўқотилган ҳолларда, мижознинг ёзма ёки масофавий каналлар орқали қабул қилинган аризасига асосан, Банк Тарифларида белгиланган тўлов амалга оширилганидан кейин, мазкур шартноманинг 3.4- бандида кўрсатилган муддатларда банк картасини қайта чиқариб бериш.

## **6. КўРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ХИЗМАТ ҲАҚИ**

6.1. Ушбу шартномага асосан кўрсатиладиган банк хизматлари ҳақи, Банк Тарифларида белгиланади.

6.2. Банк томонидан мазкур шартномага асосан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар акцептсиз равишда ҳисобдан чиқарилади. Мижоз кўрсатилган хизматлар учун тўловларни бошқа ҳисобварақлардаги маблағлардан нақд ёки нақд пулсиз шаклда ҳам амалга ошириши мумкин.

6.3. Банк банк Тарифларини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда банк Тарифларга киритилган ўзгартиришлар ҳақида, улар кучга киришидан 10 кун олдин, хизмат кўрсатиш пунктларида, шунингдек банкнинг интернет тармоғидаги [www.madadinvestbank.uz](http://www.madadinvestbank.uz) саҳифаларида жойлаштириш орқали ёки бошқа алоқа каналлари орқали хабардор қилади.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:**

Мижознинг жавобгарлиги:

- 7.1.1. Банк карта ҳисобварағида амалга оширилган операцияларнинг қонунийлигига ва банкка тақдим этилган маълумотлар ҳамда ҳужжатларнинг тўғрилигига;
- 7.1.2. Банк карта ҳисобварағидан нотўғри фойдаланиши ёки ноқонуний ҳаракатлари натижасида Банкка етказилган зарарларни тўлиқ қопланишига;
- 7.1.3. Банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида банкка ёзма ариза ва/ёки телефон орқали хабар бермаслиги оқибатида, банк картаси орқали амалга оширилган транзакцияларга. Банкнинг жавобгарлиги:
- 7.2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги қонунига тўлиқ риоя қилиш;
- 7.2.2. Банк картаси ҳисобрақами бўйича нотўғри ёки хато бажарилган тўловлар учун, бунда, нотўғри ёки хато бажарилган тўловларни бекор қилиниши билан Банкнинг жавобгарлиги чекланади.
- 7.2.3. Банк қуйидагилар ҳолларда жавобгарликдан озод этилади:
- Халқаро ва маҳаллий тўлов тизимида, шунингдек банклараро электрон тўлов тизимларида рўй бериши мумкин бўлган узилишларда;
  - Учинчи шахслар томонидан Банк карталарига хизмат кўрсатиши рад этилганда;
  - Мижоз манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган даражадаги учинчи шахслар томонидан банк картаси орқали амалга ошириладиган транзакцияларга ўрнатилган лимитлар, чекловлар ва бошқа тўловлар;
  - Мижоз томонидан шартнома шартлари бузилганда ёки мижоз томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир қилинган ҳолда;
  - банк картаси эгасининг рухсатсиз ёки банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида банкка ёзма ариза тақдим қилинишидан олдин банк картаси воситасида бажарилган транзакциялар.

## **8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

8.1. Енгиб бўлмайдиган ёнғин, сув тошқини, zilзила, электр тармоғининг узилиши/тўхтатилиши ва тарафлар имкониятидан ташқари тўсиқлар (форсмажор ҳолатлари) вужудга келганда ҳамда шу каби мавжуд бўлган бошқа ҳолатларда тарафлар мажбуриятлардан қисман ёки тўлиқ озод этилади.

## **9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- 9.1. Шартнома шартлари бажарилиши бўйича юзага келадиган бахс ва келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал қилинади.
- 9.2. Агарда кўрсатиб ўтилган бахс ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.
- 9.3. Тарафлар далил сифатида бахс ёки келишмовчиликларни ҳал қилишда амалга оширилган транзакцияларни ўзида сақловчи қурилмалардаги маълумотларга таяниши мумкин.
- 9.4. Ёзма мурожаатлар, тарафларнинг бири имзо қўйиб қабул қилиб олганлиги ёки манзилига почта орқали юборилганлиги тўғрисида почта квитанцияси мавжуд бўлганда, тарафлар томонидан қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

## **10. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ, БОШҚА ШАРТЛАР**

- 10.1. Мазкур оферта шартномаси, мижоз томонидан акцептланган вақтдан бошлаб кучга киради ҳамда банк картасини амал қилиш муддатига қадар амалда бўлади.
- 10.2. Мазкур офертада назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547 сонли “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, Мижозга доир ҳар қандай, шу жумладан автоматлаштирилган маълумотларга ишлов бериш ва сақлаш, шунингдек Мижозга доир маълумотларини йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, фойдаланиш, бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, шунингдек ушбу офертада назарда тутилган ҳаракатларни амалга олшириш учун Шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга берилишига ўз розилигини беради.”
- 10.3. Шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.
- 10.4. Ушбу шартнома мижознинг талабига биноан исталган вақтда банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча тўловлар амалга оширганидан кейин бекор қилиниши мумкин.
- 10.5. Мижознинг ташаббуси билан шартнома бекор қилинганда, шартнома доирасида муомалага чиқарилган банк картаси Банкка қайтарилиши лозим.
- 10.6. Шартномани бекор қилиниши, банк карта ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

10.7. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

Оферта берувчи юридик манзили:

«Мадад Инвест Банк» АТБ

Манзил: Фарғона ш., Мустақиллик 312 уй.

МФО: 01142; СТИР: 207 246 047

Телефон: (99873) 241-70-43,

Веб саҳифа: [www.madadinvestbank.uz](http://www.madadinvestbank.uz)